

## I. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2018 йил январь-июнда чакана товар айланмаси 2137,4 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,7 фоизга ўсди.

### Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь- июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Жами</b>	<b>2137,4</b>	<b>103,7</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:</i>			
давлат мулки	0,9	82,8	0,1
нодавлат мулки	2136,5	103,7	99,9
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	153,3	73,6	7,2

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2018 йил январь-июнида 183,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 124,8 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-июнь ойларида 1953,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,1 фоизга ошган.

## 2018 йил январь-июнда чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>2137,4</b>	<b>103,7</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
савдо корхоналари	183,5	124,8	8,6
Якка тартибдаги тадбиркорлик	1953,9	102,1	91,4
<i>шундан:</i> уюшмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)	115,9	100,4	5,4

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 52,3 млрд. сўмга етди ёки 2018 йил январь-июнга нисбатан 4,8 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 2,3 фоизга ошди ва 1156,7 минг сўмни ташкил этди (2017 йил январь-июнь ойларида 928,0 минг сўмни ташкил этган).

2018 йил январь-июнда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 1978,4 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 552,9 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 27,9 фоизини ташкил қилди. 2017 йил январь-июнга нисбатан ўсиш 106,4 фоизни ташкил этди.

**2018 йилнинг январь-июнида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**


	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Жами хизматлар</b>	<b>1978,4</b>	<b>106,4</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан: хизмат турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	161,3	114,9	8,2
молиявий хизматлар	247,6	130,7	12,5
транспорт хизмати	544,1	101,8	27,5
<i>шу жумладан: автотранспорт хизматлари</i>	322,4	105,8	16,3
яшаш ва овқатланиш хизматлари	62,9	110,4	3,2
савдо хизматлари	521,9	102,1	26,4
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	68,3	102,7	3,4
таълим соҳасидаги хизматлар	68,9	101,3	3,5
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	22,4	104,9	1,1
ижара ва прокат хизматлари	45,4	110,2	2,3

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	70,4	100,7	3,6
бошқа шахсий хизматлар	85,6	101,1	4,3
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	23,6	120,0	1,2
бошқа турдаги хизматлар	56,0	100,1	2,8

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 27,5 фоизи), савдо (26,4 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (130,7 фоиз), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (120 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (114,9фоиз), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (110,4 фоиз), ижара ва прокат хизматлари (110,2фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

## 2018 йил январь-июнда иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш



Жорий йил январь-июнь ойлари давомида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида транспорт хизматлари энг катта улушни эгаллаган бўлиб, 544,1 млрд. сўмни ташкил этган, 2017 йилнинг мос даврига (2017 йилда 405,7 млрд. сўм) нисбатан 1,8 фоизга ошган, шунингдек кўрсатилган хизматлар ҳажмида савдо хизматлари – 521,9 млрд. сўм (2017 йилда – 374,8 млрд. сўм), молиявий хизматлар – 247,6 млрд. сўм (2017 йилда 171,4 млрд. сўм) ва бошқа шахсий хизматлар – 85,6 млрд. сўм (2017 йилда – 68,4 млрд. сўм) ҳиссаларига тўғри келди.